



Халқ сўзи

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 8 декабрь, № 262 (8042)

Чоршанба

Сайтимиэга ўтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошлар!
Авалло, сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни қутлуғ айём — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Бутун дунё қатори юртимизда ҳам давом этаётган коронавирус пандемияси сабабли бу йил ҳам Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин бу байрам қалбларимизга қувонч ва шуқуқ бағишлаб, оилаларимизда, меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Муҳтарам дўстлар!
Хаётимиз қомуси бўлган Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Айнан Конституциямизга таяниб, биз бундан беш йил олдин мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг қўламли ислохотларни бошладик. Утган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очикилик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.

Биз Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш гоёясида содиқ қолиб, шу йўлда кенг қўламли улкан ишларни амалга оширдик, катта билим ва тажриба тўпладик.

Авалло, “**Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир**” деган конституциявий қоидадан келиб чиқиб, халқ билан доимий мулоқот қилиш фаолиятимиз мезони этиб белгиланди, давлат идоралари раҳбарлари фуқаролар олдида ҳисобот берадиган самарали тизим йўлга қўйилди.

Давлат органлари фаолиятида очикилик ва ошқоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча мансабдор шахслар қўйи бўғинга, маҳалла даражасига тушиб, аҳоли билан бевосита учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида хал этмоқда.

Учрашувда инсон ҳуқуқлари соҳасида, замонавий хатар ва таҳдидларга қарши кураш борасидаги долзарб кун тартиби юзасидан очик ва конструктив мулоқотни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳамкорлик самарали тус олгани, мамлакатимиз ушбу муҳим йўналишларда катта муваффақиятларга эришгани мамнуният билан қайд этилди.

Муҳим қарор ва қонунлар лойиҳаларини, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, давлат харидлари масалаларини муҳокама қилиш жараёнида бугун фуқароларимиз фаол иштирок этмоқда. Шу асосда давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ва жамоат назорати анги босқичга кўтарилмоқда.

Юртдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудига эмин-эркин яшаш, уй-жой ва қўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ҳар бир инсон қўндалик ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.

Айниқса, давлат томонидан Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чет элларда ҳам таъминлаш бўйича бошлаган ишларимиз хорижда яшаётган юртдошларимизнинг Ватанимизга бўлган меҳри ва ишончини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундай натижаларга эришишда Конституция ва қонунларимиз талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупцияга қарши кураш масалалари кенг жамоатчилигимиз иштирокида хал этилаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизимлари дастлабки ижобий натижасини бераётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, муҳтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий Кенгашлар фаолияти ҳам жонланмоқда. Шу йилнинг ўзида ушбу тузилмалар орқали фуқароларнинг 29 мингдан зиёд муаммолари ижобий хал этилгани, ўз вазифасини масъулият билан адо этмаётган раҳбарларга нисбатан тегишли қонуний чоралар қўрилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин

тутадиган суд тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, назорат инстанцияси бекор қилиниб, фуқаролар ва адвокатларнинг шикоятлари ҳам, ҳудди прокурор протести каби, тўғридан-тўғри қўриладиган тартиб ўрнатилди.

Илк бор мансабдорларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб турадиган маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, улар орқали жорий йилнинг ўзида 6,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Иқтисодий ва фуқаролик судларида прокурорнинг иштироки чекланди, жиноят ишларини асосий равишда суддан чақириб олиш билан боғлиқ амалиётга барҳам берилди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш мақсадида Халқаро тижорат арбитражи фаолияти йўлга қўйилди.

Адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда, Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил — Омбудсман томонидан ташкил этилган жамоатчилик гуруҳлари ўз вазифасини самарали амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асосий қўйилган моддалар айбловдан чиқарилгани, 859 нафар шахс оқлангани суд-тергов соҳасидаги ислохотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва олижаноблик тамойилларига амал қилган ҳолда, билиб-билимай жиноят содир этган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан афв институти мунтазам қўлланмоқда. Шу борадаги ишларимизнинг давоми сифатида Конституция куни арафасида яна бир Фармонга имзо чекдим. Унга қўра шу тоифага мансуб 182 нафар шахс муддатидан олдин озод қилиниб, эркин ҳаёта қайтарилмоқда.

Мамлакатимизда суз ва виждон эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик фикрини ифода этадиган “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Турли миллат ва диний конфессиялар вакилларининг ўз тили, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Айни вақтда биз Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттираамиз.

Авалло, Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиб, демократик янгиланишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Парламент ва маҳаллий Кенгашлар ваколатларини янада кенгайтириш, ихро органлари устидан вакиллик назоратини кучайтириш, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Айниқса, ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий Кенгашлар ролини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолияти учун зарур шароитлар яратиш эътиборимиз марказида бўлади. Маъмурий ислохотлар дастурини амалга ошириш борасида давлат органларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, ихчам бошқарув аппаратини шакллантириш ва иш юритишни рақамлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилади.

Яна бир муҳим вазифа амалдаги жиноят қонунчилигини қайта қўриб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда колониялардаги маҳкумларнинг қарийб 80 фоизи меҳнатга жалб этилган бўлса-да, уларнинг ишлаган йиллари умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланмайдиган ва пенсия тайинлашда инобатга олинмайдиган. Ижтимоий адолат тамойилига тўғри келмайдиган бундай чекловнинг бекор қилиниши маҳкумлар томонидан молиявий муҳтожлик туфайли такроран жиноят содир этишнинг олдини олишга хизмат қилган бўлар эди. Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига қўмақлаштириш учун “дастлабки ёрдам пакети” тизими жорий этилади. Хусусан, ўзининг аниқ тадбиркорлик лойиҳасини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган собиқ маҳкумларга Пробация хизматини ривожлантириш ҳамжармасидан 10 миллион сўмгача бир марталик моддий ёрдам берилади.

Тараққиёт кушандаси бўлган коррупцияга қарши курашиш, жамиятда унинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатини изчил давом эттираамиз. Бу борада давлат идоралари билан бирга, кенг жамоатчилик, айниқса, фуқаролик жамияти институтларининг куч ва салоҳиятидан самарали фойдаланишга ҳиддий эътибор қаратамиз.

Азиз дўстлар!

Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустаҳкам қонунчилик базаси керак бўлишини, ўйлашгани, барчамиз яхши тушунамиз. Шу маънода, Асосий Қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеаларга, шиддатли ислохотларимиз мангигица мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда.

Шу йил Президент сайлови олдидадан бўлиб ўтган учрашувларда фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари томонидан билдирилган таклифларда ана шу масала алоҳида қайд этилган конституциявий ислохотларни объектив зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда.

Бу, айниқса, қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлмоқда.

Биринчидан, илгари амал қилиб келган “**давлат — жамият — инсон**” тамойилини “**инсон — жамият — давлат**” деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлаш зарур.

Иккинчидан, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш беш мезон бўлиши керак. Бу — халқпарвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шартидир.

Учинчидан, “**Жамият — ислохотлар ташаббускори**” деган эзгу гоё доирасида Асосий Қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳам давр талабидир.

Тўртинчидан, Бош қомусимизда оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувлиқни янада

мустаҳкамлаш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйишимиз зарур.

Бешинчидан, фарзандларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида майдонга чиқаётган бугунги кунда Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ўлги-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши керак.

Олтинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли “**Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат**” деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди, деб ўйлайман.

Еттинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ноғиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши зарур.

Саккизинчидан, ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган давлатлар табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз конституциясига экологияга оид махсус бўлар киритмоқда. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши лозим.

Тўққизинчидан, Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий халқаси бўлмиш бочча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Албатта, Конституцияни янгилашдек гоёт муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илгор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур.

Олий Мажлис палаталари, ҳурматли депутат ва сенаторларимиз, муҳтарам нурионлилар, хотин-қизлар, ёшлар жамоатчилиги, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимларимиз, илм-фан намояндалари, иходкор зиёлиларимиз, бутун халқимиз бу масалада ўзининг аниқ фикр ва қарашларини билдиришди, деб ишонаман.

Атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг “**Яхши бўлиш учун — ўзгариш керак, яхшиларнинг яхисии бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак**”, деган сўзлариде, ўйлашгани, миллий давлатчилик аънавларимизга, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади.

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли давр биздан замонга мос ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этмоқда. Ана шундай талабга жавоб берадиган мукаммал Конституцияга эга бўлиш учун Асосий Қонунимизнинг янги лойиҳасини тайёрлашимиз, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиб, билдирилган таклифлар асосида такомиллаштириш, ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллик байрами нишонланадиган кунларда қабул қилиш, ўйлашгани, миллий давлатчилик аънавларимизга, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Мана шу улуг айёмда халқимизнинг дилидаги бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Янги Ўзбекистондаги ислохотлар энди ҳеч қачон ортга қайтмайди.**

Янги Ўзбекистон гоёси эл-юртимизнинг улкан интилиши ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Барчамиз ана шу улуг мақсад йўлида янада жипслашиб, гайрат-шижоат ва масъулият билан фидокорона меҳнат қилсак, қўзлаган юксак марраларимизга албатта етамиз.

Ишончим комил, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин гоёт қийин ва мураккаб, оғир синовли йилларда Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар миннатдорлик билан эслайди.

Барчамизга ана шундай буюк бахт ва шараф ёр бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Сиз, азиз ватандошларимни Конституция куни билан ана бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайнни қабул қилди.

Етакчи халқаро тузилманинг юқори даражали вакили давлатимиз раҳбари томонидан БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган ташаббус ва таклифларни амалга ошириш доирасида мамлакатимизда таширф билан бўлиб турибди.

Учрашувда инсон ҳуқуқлари соҳасида, замонавий хатар ва таҳдидларга қарши кураш борасидаги долзарб кун тартиби юзасидан очик ва конструктив мулоқотни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳамкорлик самарали тус олгани, мамлакатимиз ушбу муҳим йўналишларда катта муваффақиятларга эришгани мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг (ИХҚ) тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди, унинг ишида фаол иштирок этмоқда. Келгуси йилда Ўзбекистон томони ушбу ихтисослаштирилган институтнинг раҳбарлик органларида вакиллик қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия доирасида юртимизда гендер тенглик, суз ва дин эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар фаол амалга оширилмоқда.

БМТнинг Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилинди. Ўзбекистон ташаббуси билан

ИХҚнинг пандемия даврида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги резолюцияси қабул қилинди, тегишли конвенция ишлаб чиқилмоқда.

Хавфсизлик соҳасида қатор асосий қонунлар қабул қилинган, яқинда беш йилга мўлжалланган Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича стратегия тасдиқланди.

Махсус маърузачи Ўзбекистоннинг “Меҳр” операцияси доирасида фуқароларни мамлакатга қайтариш, реабилитация ва реинтеграция қилиш борасидаги сазй-ҳаракатларини юксак баҳолади. Терроризм ва экстремизмга қарши курашдаги янги ёндашувлар алоҳида қайд этилди.

Сухбат чоғида яқин ҳамкорликни, энг аввало, фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва ёшлар ўрнини кучайтириш, қонунчилиқни такомиллаштириш ва реинтеграция қилиш бора-бора бўйича дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда техник қўмак ва ёрдамни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг БМТ органлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш институтлари билан шериклигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор қўшма халқаро тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Ў.А.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “**Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида**”ги Фармони имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ихро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 182 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 3 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 108 нафари

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 8 нафарининг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 63 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 6 нафарини чет эл фуқаролари, 6 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 9 нафарини аёл ҳамда 25 нафарини таққилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдала меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 16 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **17-модданинг:**
иккинчи қисми чиқариб ташлансин;
учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;
иккинчи қисмидаги «97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104–106, 118, 119, 137, 164–166, 169-моддалари» деган сўзлар «97, 98, 104–106, 118, 119, 137, 164–166, 169-моддалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
2) **85-модданинг иккинчи қисмидаги** «ўн уч» деган сўзлар «ўн тўрт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
3) **86-модданинг:**
иккинчи қисмидаги «ўн уч» деган сўзлар «ўн тўрт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
тўртинчи қисмидаги «ўн уч» деган сўзлар «ўн тўрт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
4) **128-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тўзатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Уша ҳаракатлар моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) тақоран ёки хавфли рецидивист томонидан;
б) илгари ушбу Кодекснинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) **128-модданинг номи ва диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«128-модда. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш

Ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлгани ҳолда ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни қайритабиий усулда қондириш»;

6) **129-модда:**
биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тўзатиш ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодлиқни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«икки йилдан уч йилгача ахлоқ тўзатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд икки йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон

Ўзбекистон ва Қозоғистон: маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг янги босқиси

Жорий йилнинг 5-6 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан давлат таширифи билан Нур-Султон шаҳрида бўлди.

Ташириф давомида икки давлат ўртасида гуманитар алмашинувларни кенгайтириш, таълим, фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, туризм ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Нуктаи назар

Ўзаро музокаралар жараёнида давлатимиз раҳбари томонидан қуйидаги ташаббуслар илгари сурилди:

— **Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва Ўзбекистонда Қозоғистон йили** тадбирларини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

— 2022 йилда Ўзбекистонда **биринчи Ёшлар конгресси** ҳамда **Ижодий ва илмий зиёлилар форуми**ни ташкил этиш;

— **олий таълим соҳаси**да ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Қозоғистон ушбу йўналишларда узоқ салохиятга эга бўлиб, бундай ҳамкорликдан бирдек манфаатдордир. Зеро, маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлиқнинг асосини икки халқни ўзаро яқинлаштириш, таъриба алмashi, уй-ғун аянча ва урф-одатларни асраш ва кейинги авлодга етказиш ташкил этади.

Ўзбек ва қозоқ миллати қардош халқ экани ҳеч кимга сир эмас. Халқларнинг аънавлари, урф-одатлари, турмуш тарзи ўхшаш. Икки халқ ҳам дўстлиқни қадрлайди. Жумладан, қозоқларда шундай мақол бор: “Досың көп болса, жолың да ашылады” (Дўстинг кўп болса, йўлиңг ҳам раван бўлади). Ўзбеклар ҳам дўстлиқни юксак даражада қадрлайди: “Дўстинг — бойликиңг, дўстинг — давлатиңг”. Бундай мақоллар кўплаб топилди.

Икки халқнинг тарихий дўстлиги, умумий аянча ва урф-одатларга эга экани, бугунги ва эртаси ўзаро боғлиқлиги хусусида Шавкат Мирзиёев Қозоғистонга давлат таширифи олдидан ушбу мамлакатнинг марказий шаҳри “Егемен Қазақстан” ва “Казахстанская правда” газетасига берган интервьюсида алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, давлатимиз раҳбари: “Ўзбекистон ва Қозоғистон фақатгина умумий тарих, маданият, аянча ва узоқ асрлик дўстлиқни ўз ичига олган қўшни давлатлар эмас, балки жуда ҳам яқин, қардош мамлакатлардир. Бизнинг халқларимиз маънавий ва қон-қариндошлик ришталари билан узвий жипслашиб кетган, уларни умумий макссалдар, орзу-умидлар ва интилишлар бирлаштириб туради” деб қайт этди.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси тарихан фан, маданият, маънавият ва маърифатнинг ўчоғи бўлган. Яқин тарихда ҳам бу омил ўзининг аҳамияти

Халқ сўзи

«554-модда. Вояга етмаган гумон қилинувчини ёки айбланувчини сўроқ қилишда педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштироки

Вояга етмаган гумон қилинувчини ёки айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра ёхуд вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосига биноан педагог ва (ёки) психолог иштирок этиши мумкин. Педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштирокини таъминлаш жиноят ишини юритаётган суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг зиммасига юклатилади. Педагог ва (ёки) психолог суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан гумон қилинувчига ёки айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар суриштирувчи, терговчи томонидан педагогга ва (ёки) психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-иқроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **127-моддасининг биринчи қисмидаги** «ўн уч» деган сўзлар «ўн тўрт» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг иқросини, иқрочиларга етказилишини ҳамда ҳожияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 7 декабрь
№ ЎРҚ–735

Давра суҳбати

Кеча Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестиция ва тадбиркорлиқни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиялари билан ҳамкорликда “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

Таъйидланганидек, Қўнунда ке-йинги йилда иқтисодий ўсиш даражаси 6 фоиз, инфляция даражаси 9 фоиз, консолидациялашган бюджет тақчилиги янги ички махсулотга нисбатан 3 фоиз миқдорда ва янгидан имзоланадиган давлат ташқи қарзи юкори чегараси 4,5 миллиард доллар миқдорида прогноз қилинмоқда. Шунингдек, давлат бюджети даромадларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун Давлат бюджети харажатлари янги ички махсулотга нисбатан 25,6 фоиз миқдорида белгиланпти.

Қўнун билан иқтимоий соҳа харажатларининг қарийб 45 фоизи таълим соҳасига, хусусан, мактабгача таълим муассаларига 8,6 триллион, халқ таълимига 30,8 триллион, ўрта махсус ва олий таълимга 7,5 триллион сўм маблағ ажратилмоқда. Қўнун билан иқтимоий соҳа харажатларининг қарийб 45 фоизи таълим соҳасига, хусусан, мактабгача таълим муассаларига 8,6 триллион, халқ таълимига 30,8 триллион, ўрта махсус ва олий таълимга 7,5 триллион сўм маблағ ажратилмоқда. Қўнун билан иқтимоий соҳа харажатларининг қарийб 45 фоизи таълим соҳасига, хусусан, мактабгача таълим муассаларига 8,6 триллион, халқ таълимига 30,8 триллион, ўрта махсус ва олий таълимга 7,5 триллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Бундан ташқари, 2022 йилда Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига (марказлашган инвестиция харажатлари билан бирга) 24 триллион сўм маблағ ёки 2021 йил тасдиқланган режага нисбатан 3,5 триллион сўм ёки 17 фоизга кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига қўшимча тарзда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига йўналтириш ваколати берилмоқда.

2021 йилги Давлат бюджетте тўғрисидаги Қўнун билан Қорақалпоғистон Республикаси умумтаълим муассасалари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек, сугориладиган ерларнинг мелiorоти хoлатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш харажатлари Қора-

Давра суҳбатида, шунингдек, 2022 йил узн солиқ-божхона сйёсатининг асосий йўналишлари бўйича бўладиган ўзгаришлар, жумладан, самараси солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш, юридик ва jisмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларини ўзгартириш каби асосий солиқ турлари бўйича тушунтирилиш берилди.

Яқунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотлари амалга ошириш, инвестиция ва тадбиркорлиқни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияларига тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Аброр ЮСУПОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги СМТИ бўлим бошлиғи.

БМТ МУТАХАССИСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ «МЕҲР» ОПЕРАЦИЯСИ ДОИРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси биносида 7 декабрь куни мазкур халқаро ташкилотнинг терроризмга қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайн билан оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Ни Аолайн хоним Ўзбекистон ҳукуматининг Сурия, Ироқ ва Афғонистондан аёллар ҳамда болаларни қайтариш ва уларни реинтеграциялаш иши бўйича амалга ошираётган чора-тадбирларини юксак баҳолади.

Хусусан, 2019 йил май ойидан бошлаб юзлаб жабдийдаларни жанг майдонидан олиб чиқиш ва реинтеграция қилишга қаратилган “Меҳр” операцияси доирасидаги саъй-ҳаракатлар ҳар қанча тахсинга сазовор эканини алоҳида қайд этди.

— Ўн кунлик ташрифим давомида Ўзбекистоннинг, деярли, барча ҳудудини бориб кўрдим, тўртта қамоқхонада бўлдим, фуқаролик жамияти тузилмалари вакиллари билан учрашдим, жамоатчилик, оддий фуқаролар билан мулоқот қилдим, — деди инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассис Фионнуала Ни Аолайн хоним. — Оила

бирлиги ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган ўзбек модели репатриация қилиш, бола манфаатини қўлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий воситалар, ҳаракатлар орқали оловли ҳудуддан қайтган аёлларни самарали реинтеграция қилиш бўйича энг яхши амалиётнинг намунасидир.

Сурия шимолий-шарқидagi лагерларда минглаб аёллар ва болалар ўзбошимчилик билан хиёбга олинган. БМТ мутахассислари яшаш шароити ва муомала масаласида улар зўравонлик, инсон эксплуатацияси, таҳқир ва маҳрумликка дучор эканини айтишмоқда. Бундай ҳаракатлар халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, ҳеч қандай ҳуқуқий ҳимоясиз қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, гайриинсоний, қадр-қимматни қамситувчи муносабатга дучор қилиш ёҳуд жазога тортишга тенглашадди.

Ни Аолайн Ўзбекистоннинг стигматизацияни бартараф этиш, асосий ҳуқуқ, жумладан, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқни таъминлашга қаратилган амалий чораларини юқори баҳолади. Ҳукуматимизнинг ЮНИСЕФ ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа ташкилотлари, хусусан, Олий қомиссар идораси билан самарали ҳамкорлигига алоҳида урғу берди.

— Репатриация ва реинтеграциянинг ўзбек модели бошқа ҳукуматлардан қайтариши учун йўл харитаси сифатида хизмат қилади, — дея таъкидларкан, Махсус маърузачи мамлакатимизда мазкур тадбир самарали, инсоний ва инсон ҳуқуқларига мос тарзда амалга оширилганини эътироф этди. БМТ мутахассиси бошқа ҳукуматларни Ўзбекистондан ўрнак олишга чақирди.

Учрашув сўнгига Фионнуала Ни Аолайн журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ СТРАТЕГИЯСИ

Инсон қадри ва манфаатини улуғлаш халқимизнинг азалий ғазилатларидан саналади. Давлатчилигимизнинг қайси даврига қарамайлик, мард, жасур ва фидойи инсонлар ҳамisha халқимизга бош бўлиб келганлигини кўраимиз. Бугун ҳам юртимизда инсон шаъни ва шарафи, халқ учун қайғуриш ўзининг энг юқори мақомига кўтарилмоқда, десак, янглишмаймиз. Бунга барча жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаси мисолда гувоҳ бўлмоқдамиз. Энг муҳими, ислохотларимиз чекинаётгани йўқ, аксинча, тобора қатъийлашиб бормоқда.

Мушоҳада

Президентимиз ўз лавозимига қиршаркан: “Халқ билан бошлаган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттирамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Янги Ўзбекистонни биргаликда, албатта, барпо этамиш!” дея тантанали қасамёд қилди. Бу эса бутун халқимизнинг мақсад-муддаосидир.

Давлатимиз раҳбари Қорақолпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда сайловчилар билан учрашганда келгуси беш йилликда аҳоли турмуш тарзида бўладиган ўзгариш, янгиликлар ва юксалишлар ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, мавжуд қамчиликлар ва уларни ҳал этиш борасидаги молиявий ёнимларга атрофлича тўхталиб ўтди.

Ўз навбатида, парламент палаталари қўшма мажлисида келгуси беш йиллик учун мўлжалланган ишларнинг аниқ тизими акс эттирилган **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси** ишлаб чиқилганига алоҳида урғу берилди ва унда кўзда тутилган вазифалар келтириб ўтилди.

Ишончимиз қомилки, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради. Эндиликда давлат фаолияти **“Инсон — жамият — давлат”** деган янги тамойил асосида ташкил этилади.

Эркин фуқаролик жамиятини ривжлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни янги поғонага кўтариш, ҳар бир фуқаро, бутун халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган **“Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғоясини олиғшмай амалга ошириш мазкур Тараққиёт стратегиясининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Хужжатда маҳаллий бошқарув орган-

ларининг муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулияти янада кучайтирилиши белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу, албатта, ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарордир. Бойси барча ислохотлар қўйидадан вертикал шақлда юқорига қараб қўллаб-қувватланмаса, оддий халқ турмуш даражаси яхшиланмаса, тараққиётда одимлаш мушкул.

Ислохотлар жараёнида дунёнинг бирон-бир мамлакатиде ўхшаши йўқ маҳалла тизими муҳим бугун сифатида иштирок этмоқда. Бугунги кунда ушбу тузилма ёши улугларни эъозлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, меҳроқибат, ёшув қариларнинг билимга қанқоқлигини ошириш каби зарурий ишларни амалга оширувчи генератор вазифасини ўтамоқда. Шу бойс ҳам ислохотлар самараси бевосита акс этадиган маҳалла тизими кучайтирилиб, ҳоким ва маҳалла уйғунлигини амалиётда кенг қўллаш мақсадида **ҳоким ёрдамчиси** институти жорий этилади.

Яна бир хушхабар сифатида маҳалаларда ёшлар масаласи билан шуғулланадиган янги тизим — Ёшлар агентлиги вакили фаолият юритишини келтирса бўлади. Вақил асосан ёшлар билан ишлайди, уларнинг қизиқиши, иштилиши ва иқтидорини ҳисобга олиб, тўғри йўналтиради, аниқроғи, маҳалла ёшларини ҳақиқий назоратга олувчи раҳбар ҳамда ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг масъули бўлади.

Бу орқали эса маҳаллада ёшларнинг бандлигини таъминлашдан тортиб, то уларнинг келажақда ким бўлишигача назоратга олинад — ўқитилад, хунарга ўргатилади. Асосийси, ёшларнинг сиёсий онги янада ўсади, уларда ватанпарварлик ва халқпарварлик тўғуғлари мустаҳкамланади. Албатта, “тенгдош + тенгдош” тамойилига амал қилинса, ислохотлар уларнинг қалбига тезроқ етиб боради.

Тараққиёт стратегиясида нафақат режалар, балки ислохот пойдевори бўлиши молиявий масалаларга ҳам ечим кўрсатилади. Ҳоким ва маҳаллар молиявий имкониятини кенгайтириш мақсадида туман бюджети қўшима маблаглар билан таъминланиб, маҳалланинг ўз жамғармаси тузилади. Бу билан келгусида маҳалла бюджетини яратиш мақсади илгари сурилган.

Шунингдек, Тараққиёт стратегиясида марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратиш режалаштирилган. Бунинг учун соҳага тўла жавоб бера оладиган, унинг ишлаш механизминини йўлга қўй биладиган, халқ озу қилган натижаларни бера оладиган кучли ва таъсирчан, халқчил визирлик ва идораларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Тараққиёт стратегиясида миллат руҳини кўтариш, уни жамиятда содир бўлаётган жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантириш ва шу орқали Ватанимизни ривожланган дунё давлатлари қаторига олиб чиқиш масаласи кўзга яққол ташланиб турибди.

Бу жараёни янада тезлаштириш, халққа яқинлаштириш мақсадида ҳар бир тармок ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси бўйича раҳбарларнинг маҳаллий Кенгашларга ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилди. Бундан асосий мақсад — раҳбар фаолиятига ҳолис баҳо бериш ва халқнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган инвестициялар олиб кириш, маҳаллалардаги тадбиркорлик тизимини ривожлантиришга асосий урғу берилди ва ушбу масалалар билан раҳбарларнинг мунтазам шуғулланиб бориши талаб этилади. Парламент нозирати йўлга қўйилиб, раҳбарлар фаолиятига баҳо берилади ва унинг иш фаолияти бўйича юқори органларга маълумотлар тақдим қилинади.

Умуман, бугун мамлакатимиздаги барча ислохот халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз тараққиётини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу биз, сенаторлардан ҳам катта масъулият ва фидойилик талаб этади.

Толибжон МАДУМДОРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаси ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси
Ҳудодаси, Маҳаллий ҳокимият вакиллари органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия раиси.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик ва инсонпарварлик хусусиятлари инсонга бўлган муносабат — фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани билан белгиланади. Шу маънода, халқаро майдонда янги тушунча сифатида баҳоланаётган “Янги Ўзбекистон” моҳияти ҳақида тўхталмоқчимиз.

Албатта, бу тушунчанинг асосини 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати ҳисобланган Конституциямиз ташкил қилади. Зеро, Бош қомусимиз ва “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида улуғ аждодларимиз, умуман, ўтмишда биринчи ва иккинчи Ўйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мўжассам. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Ўйғониш жараёни кечмоқда. Бу жараёнда инсоннинг барча ҳуқуқлари қаторида, таълим олиш ҳуқуқи муҳим аҳамиятга эга. Негаки, жамиятнинг модернизация қилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, келажаги буюк давлатни барпо этиш, биринчи навбатда, таълим олиш ҳуқуқига бўлган муносабат билан қамбарчас боғлиқ.

Ҳабарингиз бор, 2020 йилнинг 23 сентябрда янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган эди. Эътиборли жиҳати шундаки, унга “инклюзив таълим” тушунчаси ҳам сингдирилди. Бу ҳар бир боланинг таълим олишдаги тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, ҳар қандай дискриминация ва қамситишларнинг олдини олишга хизмат қилади. Юртдошларимизга таълим-тарбия бериш, қасб-хунар ўргатиш ва ҳар қимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда ушбу Қонун муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Мамлакатнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш бобидagi сибасати ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётир. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири экани, иккинчи томондан, аждодлари-

миз аъналарига содиқлик, яъни халқлар, давлатлар, миллатлар ва динлар ўртасидаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги фаоллиги билан белгиланади. Буларнинг барчаси исқлол ва Конституция шарофати эканлиги кундай равшан ҳақиқат.

Шундай қилиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият даражасига кўтаришга қаратилган эзгу ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Президент мамлакатимиз Бош қомуси қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда: “Ўзбекистон фуқаролари ҳақида ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан бун ҳам қатъий амалга оширамиз”, дея таъкидлаш орқали шу йўналишдаги ишлар бундан кейин янгила ҳар қасб этишича урғу берган эди.

Жамиятнинг кузатилган бўлса, бу ғоя ҳаётда ўз тасдиқини топаётганига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган ҳар бир фуқароннинг четда ишлаш, ўқиш ва дам олиш ҳуқуқини таъминлаш учун нимаки зарур бўлса, ҳаммасини яратиб чоралари кўриллаётганини ҳам эътироф этмоқ жоиз.

Аммо шу ўринда юртдошларимизнинг ушбу ҳуқуқларини баъзи бировлар томонидан суиистеъмол қилинаётганлигини ҳам айтишга тўғри келади. Чунки ҳамон қонунлар моҳиятини англолмаётган, қонуний йўл қилиб, алдамчилар тузоғига тушиб қолаётган ҳамюртларимиз қўллаб-топилади. Аслида, хоржга чиқаётган ҳар бир фуқаро шу юртининг дунё ҳамжамияти олдидagi мавқеи, обрў-эътиборини сақлаш ва юксалтиришга масъул эканлигини унутмасе нур устига нур бўлар эди.

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ МУСТАҲҚАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ҳар бир замонавий давлатда унинг Конституцияси фуқаролар, жамият ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишнинг асосий тамойилларини белгилайди.

1992 йилда қабул қилинган мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилиб, уни ишлаб чиқишда мамлакатимизда кўп асрлар давомида тўпланган давлатчилиқни ривожлантириш тажрибаси, аъналарини ва қадриятларини билан бир қаторда, ушбу соҳадаги халқаро микёсда эътироф этилган демократик ғоя ва тамойиллар ҳамда уларнинг асл моҳиятини ўзида қамлаган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари асос қилиб олинган.

Конституциямизнинг узвий таркибий қисми сифатида шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган нормалар белгиланган. Хусусан, фуқаролар бепул умумий таълим олиши, ҳар қим илмий ва техникавий ижод қилиш эркинлиги кафолатланганлиги ва давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига қамқўрлик қилиши кўрсатилган.

Бундай ҳуқуқий нормаларнинг тўлақонли ишлаши мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш ва халқ фаровонлигини изчил ошириб бориш учун энг муҳим, аниқловчи омил эканини Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоклариде олиб борилаётган беқиёс ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишларининг бирламчи асоси ва самарадорлигини таъминловчи механизм сифатида шу соҳалар учун чуқур билимларга эга бўлган салоҳиятли ёш кадрларни тайёрлаш вазифаси белгиланади.

Бу, ўз навбатида, мактабгача таълимдан то олий таълимнинг энг сўнгги босқичигача бўлган узлуксиз тизимнинг барча бўғинларини тубдан ислох қилиш, таълим сифатини кескин ошириб, меҳнат бозори талабларига яратилмоқда, ҳудудий аэропортларни реконструкция қилиш ва ривожлантириш орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати янада ошмоқда. Соҳада амалга оширилган қатор чора-тадбирлар натижасида маҳаллий йўналишларда авиачипталар нархи 15 — 20 фоизга арзонлаштирилди, маҳаллий авиақатновлар сони ҳафтагиса 17 тадан 48 тага, халқаро йўналишлар эса 23 тадан 68 тага кўпайтирилди.

Шу билан бирга, 2020 йил 1 августдан хорижий авиакомпанияларга вилоятлар ва Қорақолпоғистон Республикаси халқаро аэропортларида бешинчи даражадаги “ҳаво эркинлиги”, “Навоий” ва “Термиз” халқаро аэропортларида эса юк ташувчи авиакорхоналар учун еттинчи даражадаги “ҳаво эркинлиги”ни тақдим этувчи “Очик осмон” режими жорий этилди. Халқаро аэропортларда хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемаларига қўрсатилган хизматлар тарифлари 27 фоизга туширилди.

Бундан ташқари, мамлакат авиация бозориде тақдим этилаётган хизматлар нархи ва сифати бўйича турли сегментларни шакллантириш орқали аҳолининг мобиллик даражасини ошириш, авиация хизматларидан фойдаланиш қўламлини кенгайтириш мақсадида 2021 йилнинг июль ойида Ўзбекистонда биринчи хусусий “Qanot Sharq” авиакомпанияси ташкил этилди.

кониини яратмоқда. Бундай мактабларда мамлакатимизнинг илгор педагоглари билан бир қаторда, катта тахрибга эга хорижлик ўқитувчилар ҳам дарс бермоқда.

Муҳими, бундай ўқув масканлари мамлакатимиздаги бошқа мактабларда ҳам ўқув жараёнини шундай юксак тахриба асосида ташкил этиш учун экспериментал майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг таълим олишга бўлган конституцион ҳуқуқларини тўла таъминлаш, ўзи танлаган мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар олиш имкониятини яратиш учун олий таълим ташкилотларини сони ва таълим йўналишларини кадамма-қадам кўпайтириб бориш Президентимиз томонидан муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланган. Сўнгги тўрт йил ичида мамлакатимиздаги олиғиохларнинг сони 65 тадан 115 гача ошиб, олий таълим тизимининг қамров кўрсаткичи 9 фоиздан 28 фоизга кўтарилди.

Бир қатор янги йўналишларда, жумладан, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда, мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундай илгор, замонавий билимларга эга бўлган Ўзбекистон ёшлари нафақат юртимизда, балки чет эл корхоналарида ҳам мутахассис сифатида ишлаш имкониятига эга бўлади.

Илм-фан, илмий-техникавий тадқиқотлар соҳаси ҳар бир давлатнинг замонавий ривожланишининг муҳим кўзгусидир. Мамлакатимиз ушбу соҳада кўп асрлар давомида етакчилиқ қилиб, юртдошларимиз бўлган аллома-ларнинг номи ва илмий изланишлари бутун дунёга маълум бўлиб келган. Ўзбекистондаги бир қатор илмий мактаблар ҳозирда ҳам халқаро илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилади, лекин замонавий илмий тадқиқотларни ташкил этиш катта микдордаги маблаг, юксак технология асбоб-ускуналар ва бир қатор бошқа шарт-шароитлар яратишни талаб қилади.

Гап шу ҳақда кетар экан, 2020 йилнинг 17 августиде янги таҳрирдаги “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганлигини айтиб ўтиш зарур. Унга бинаан, бир қатор янги нормалар киритилди. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, мослашувини ва жабрланганлар ҳақидаги маълумотлар махфийлигини таъминлаш тартиби, уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари ҳамда бошқа кафолатлар, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш, одам савдосига қарши курашда ННТлар ваколат ва вазифалари, соҳага оид асосий тушунча ва тамойиллар, уни давлат томонидан тартибга солиш, ваколатли давлат органлари, Миллий комиссия, ҳудудий комиссиялар ва Миллий маърузачига оид меъёрлар ана шулар жумласидандир.

Ўз вақтида қабул қилинган мазкур Қонун мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги интилишларга янгила суръат бағишлади, десак, асло муболага бўлмайди.

Умуман, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон ҳаётини, дунёқарабини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. “Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз” ҳамда “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоялар ҳаётимиздан тобора чуқур жой эгаллаяпти. Албатта, ушбу буюк мақсадларга эришиш инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракат билан уйғунликда олиб борилади. Зеро, қаердаки инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланса, ўша жамият аҳли, албатта, биз тилга олиб ўтгандек улугвор ғоялар атрофига бирилашади ва мамлакат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатади.

Абира ҲУСЕЙНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
БухДУ профессори, фалсафа фанлари доктори.

«ҲУКУМАТ СОАТИ»ДА ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ВА ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ЖАВОБЛАРИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди.

Унда депутатлар “Транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш, юқларни божхона орқали ўтказишни соддалаштириш ва рақамлаштириш, транспорт харажатларини қисман қоплаш тизимини йўлга қўйиш, юк вагонлари хизматига бозор тамойилларини жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилдилар.

Парламент назорати

Кун тартибидagi масала юзасидан депутатларнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири ўринбосари Абдусамед Мўминов ҳамда Давлат божхона қўмитаси раиси Акмалхўжа Мавлонов жавоб бердилар.

Транспорт вазири ўринбосари А. Мўминовнинг таъкидлашича, тараққиётнинг янги даврида мамлакатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, ташилларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини тақомиллаштириш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам соҳани янада ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўляпти.

Аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизма-

тининг сифати яхшиланмоқда. Эндиликда, узоқ йиллар автобуслар қатнови узилиб қолган ҳудудлар, ҳатто чекка кишлоқларда ҳам йўловчиларнинг узогини яқин қилаётган янги йўналишлар очилмоқда.

Йўл-транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижасида сўнгги беш йил давомида 56 895 км. автомобиль йўлларининг реконструкция қилиниши ва таъмирланиши, 1 минг 560 дан зиёд кўприк ва йўл ўтказгичларини қурилиши ва таъмирланиши йўл-транспорт инфратузилмасининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Бирок республика ҳудудида оғир вазили юк автотранспорт воситаларининг белгиланган меъёрлардан ортиқ юк билан ҳаракатланиши оқибатида автомобиль йўлларининг айрим участкалари ва 3 минг 426 та сўний йишоотлар бузилиб, яққос холатга келиб қолган. Бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида бугунги кунда синов тари-

қасида транспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларини ўлчуови кўча ва стационар тарози пунктлари фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, темир йўл тизимини модернизация қилиш, инфратузилма объектларини янгилаш, янги ҳаракат тарихиларини олиб келиш орқали кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш юзасидан бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада узунлиги 357 километр бўлган Бухоро — Мискин темир йўли участкаси қурилиб, фойдаланишга топширилди, 325 километр бўлган Қарши — Термиз ва 145 километр бўлган Поп — Наманган — Андижон темир йўли участкалари электрлаштирилди. Темир йўлларнинг электрлаштирилган линиялари узунлиги 3 минг километрга, умумий улуши эса 40 фоизга етказилди.

Юқори тезликда ҳаракатланувчи 4 та “Talgo-250” русумли йўловчи электропоездлари ҳамда эконим тоифали 4 та вагонлар харид қилинди. Ушбу электропоезд ва вагонларни йўналишларга қўйиш орқали кунлик йўловчилар ташил ҳажми 72 фоизга оширилди, йўловчиларни ташил вақти Тошкент — Қарши йўналишида 6 соатдан 3 соат 20 дақиқачага, Тошкент — Бухоро йўналишида 7 соатдан 3 соат 50 дақиқачага қисқартирилди.

“Ҳукумат соати”да қайд этилганидек, авиация соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида аҳоли учун маҳаллий ва халқаро авиайўналишларда қулай-

лик ва имкониятлар яратилмоқда, ҳудудий аэропортларни реконструкция қилиш ва ривожлантириш орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати янада ошмоқда. Соҳада амалга оширилган қатор чора-тадбирлар нати

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАНЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Бу ёруғ оламга келган ҳар бир инсон эртанги кунга умид, орзу билан яшайди, бахтли турмуш кечиришни истайди. Унинг ким бўлиши, ёши, жисмоний ҳолатининг бунга дахли йўқ. Турли сабабларга кўра ногиронлиги, жисмоний нуқсони бўлганлар ҳам бошқалар қатори инсон. Уларнинг ҳам орзулари, ҳаётдан мақсадлари бўлади. Бошқалардан фарқи, улар кўпроқ эътиборга, меҳр-мурувватга муҳтож.

Тиббиёт

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 782 минг ёки аҳолининг 2,4 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Шундан 123 минг нафари 18 ёшгача, 461 минг нафари меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 198 минг нафари пенсия ёшида. Умумий ҳисобда ногиронлиги бўлган шахслар миқдори у қадар кўп кўринмаса-да, иш ўринларининг соғлом кишиларга мўлжаллангани, ишлаб чиқариш жараёнига технологик янгиликларнинг кириб келиши ушбу тоифадаги инсонларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга янгича ёндашувни талаб этади. Ислохотлар инсон қадрини учун олиб борилад экан, ногиронлиги бор шахсларга ҳам меҳнат шартлопларини яратиш ҳеч бир истисносиз амалга оширилиши зарур.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Сўнгги йилларда бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ногиронлиги бўлган шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг барқарор тизими яратилди.

Жумладан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2020 йилги Давлат дастурига мувофиқ, 2020 йил 15 октябрда янги таҳрирдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун имзоланди. 2021 йил 16 январдан эътиборан кучга кирган мазкур Қонун билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ, манфаатларини

ҳимоя қилиш, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун мулкдош янги тизим яратилмоқда.

Бу борада ишларнинг барчаси жисмоний имконияти чекланган кишиларни нафақат қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилиши билан аҳамиятга эга. Қонун давлатнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабати, масъулияти янги даражага кўтарилаётганини ҳам билдиради. Ҳуқумат, вазирлик, идоралар томонидан қонун талаб этадиган бир қатор меъриёй-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Ишончсизлик кайфиятидан халос этиш саодати

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг шу масала бўйича муҳим қарор ва фармонлари қабул қилингани ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни умидсизлик ҳамда ишончсизлик кайфиятидан халос этиш, ҳаётга интилишини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу йил 27 ноябрь куни қабул қилинган “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронлигини белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори айни мақсадга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қарор билан ногиронлигини белгилаш тиббий-меҳнат экспертизасидан тиббий-ижтимоий экспертиза тизимига ўтади, ортқча оворагарчиликларни бартараф этувчи ва ногиронлигини белгилашнинг замонавий тизими босқимча-босқим жорий этилади. Яъни 2021 йил 1 декабрдан

бошлаб соғлиғи туфайли тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бориш имконига эга бўлмаган фуқароларга ногиронлик фуқароларнинг даволаниш жойи ёки уйига чиққан ҳолда белгиланади. Ушбу ёнгиллик кийиматини ногиронлигини белгилаш комиссияларига қатнаб сарсон бўлган инсонлар яхши тушунишди.

Амалда фуқаролар соғлиғидан қатъи назар, узоқ масофаларда жойлашган (30 км.дан 70 км.гача) тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида кўриқдан ўтиши талаб этилади. Бугунги кунда барча туманлараро эксперт комиссиялари автотранспорт билан таъминланган.

Жараёндаги оғриклик нукта

Амалдаги тартибга кўра, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, айтайлик, кўлсиз, оёқсиз, кўзи оқиз, кар-соқов фуқаролар 6 ойгача даволанишга мажбурий тарзда юборилади. Бу эса мантиқан ва инсон қадр-қиммати нуктаи назаридан ҳам тўғри эмас. Мазкур ҳолат жараёндаги оғриқли нукталардан бири эди.

Шунинг учун давлат раҳбари қарорига мувофиқ, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларни мажбурий стационар даволаниш ҳамда қўшимча текширувлар ўтказилмасдан, 5 кунда ногиронлигини расмийлаштириш учун тиббий-ижтимоий экспертизага юбориш ва ногиронлигини муддатсиз даврга белгилаш жорий қилинган.

Амалдаги тартибга кўра, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган бўлса-да, ўртача ҳисобда 65 минг нафар фуқаро 2 йилдан кейин яна қайта кўриқдан ўтиши талаб этилади. Ушбу тизим жорий этилиши натижасида 6 мингдан ортқ фуқаро қўшимча текширувдан ўтмайди ва ногиронлик уларнинг иштирокисиз белгиланади.

Қолаверса, бугунги кунда ногиронлик маълумотномасида “меҳнатга лаёқатсиз”

деган хулосанинг ёзилиши иш берувчилар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олмаслик каби салбий ҳолатларга сабаб бўляпти. Президент қарори бу ҳолатга ҳам чек қўяди. Эндиликда, ногиронлик тўғрисидаги маълумотномаларда “меҳнатга лаёқатсиз” хулосаси бекор қилинади ва ногирон шахслар ишлаши мумкин бўлган касблар бўйича тавсиялар берилади.

Ушбу тартибнинг жорий этилиши, ногиронлиги бўлган шахсларнинг лаёқати ва саломатлигидан келиб чиқиб, 395 та касб турлари (мисол учун, дурадгорлик, сартарошлик, машини хизмат, молия ва хисобот фаолияти, тўқувчилик) бўйича ишлаши мумкинлиги тўғрисида тавсиялар берилди. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари зиммасига 18 ёшгача бўлган болаларга ногиронлигини белгилаш вазифаси ҳам юкланмоқда.

Унга кўра, ногиронлик 18 ёшгача бўлган болаларга педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари, 18 ёшдан катталарга тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан белгиланади. Амалда 18 ёшгача бўлган болаларга ногиронлигини белгилаш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий-масоҳат комиссиялари томонидан амалга оширилиб, хулоса беришга алоҳида врач-эксперт ажратилмаган ва бунинг натижасида болаларга ногиронлигини белгилашда ҳақронийлик ва шаффофлик таъминланмасдан қолган. Бугунги кунда жами ногиронлиги бўлган болалар сони 122,8 минггача ташкил этиб, шундан ўртача 38 минг нафар бола қайта кўриқдан ўтади ва йиллик 25 минг нафар болага бирламчи ногиронлик тайинланади.

«Тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизими яратилади

2022 йил 1 августдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-



ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўриқдан ўтказилишининг янги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизими дастлаб Тошкент шаҳрида жорий этилади. 2023 йил 1 январдан бошлаб ахборот тизимига республиканинг барча ҳудудига тўлиқ ўтилади.

Тизимнинг муҳим афзалликлари бор. Ногиронлигини белгилашда даволаш-профилактика муассасаларининг касалик тарихидан қўчирмалар, амбулатор карта ҳамда бахтсиз ҳодиса ёки шикастланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ахборот тизими орқали қабул қилинади, шунингдек, электрон ахборот тизимидаги маълумотлардан келиб чиқиб, организм функциясининг бузилишини ҳисобга олган ҳолда ногиронлигини фуқароларнинг иштирокисиз белгилаш тартиби жорий этилади. Бу ногиронлигини белгилашда инсон омилини қамрайтиришга, коррупцияга барҳам беришга хизмат қилади.

Бунда фуқароларга ногиронлигини белгилаш учун асос ҳисобланадиган тиббиёт йўлнамаси, касалик тарихи ва амбулатор картадан қўчирмалар ҳамда бошқа маълумотлар поликлиникаларда IT оператор — ҳамширалар томонидан ахборот тизими базасига электрон тарзда киритилиши

таъминланади. Бунинг натижасида 39 турдаги касаллиги мавжуд фуқаролар (25 фоизи ёки йиллик 24 минг нафар фуқаро) тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бормайди ва уларга ногиронлик сирдан белгиланади.

Тизимга замонавий технологияларнинг жорий этилишини ҳисобга олиб Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясида 3 нафар штат бирлигидан иборат инновацион технологияларни жорий қилиш бўлими ташкил этилади.

Қарорга мувофиқ, ногиронлигини белгилаш бўйича тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари сони амалдаги 107 тадан 130 тага етказилади. Яъни 18 ёшгача бўлган болаларни қўшимча равишда биттадан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарь, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 2 тадан, қолган вилоятларда ва Тошкент шаҳрида биттадан жами 114 та штат бирлигидан иборат педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари ташкил этилади.

Шунингдек, аҳоли сони ва чегаралошлигини ҳисобга олган ҳолда Қосон, Давлатобод, Сирдарё ва Қўшқўлтур туманларида қўшимча равишда биттадан жами 24 та штат бирлигидан иборат туманларо тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари янгидан ташкил этилмоқда. Янгидан ташкил этилган ҳар бир туманларо тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида 1,6 минг нафардан ногиронлиги бўлган фуқароларни кўриқдан ўтказди.

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Ижтимоий тиббиёт” кафедраси томонидан ҳудудларда сайёр ўқув курслари ташкил этилади. Врач-экспертларнинг ўз малака даражасини мустақил баҳолаб бориши учун масофавий тест синовлари платформаси яратилади.

Умуман, давлат раҳбарининг ушбу қарори ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шартлопларини яратиш, уларни соғломлаштириш борасида янги ва замонавий, шаффоф тизим яратиш борасида аниқ, амалий қадам ҳисобланади.

Баҳром МАМАТҚУЛОВ,
Тошкент тиббиёт академияси
Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби
директори, тиббиёт фанлари
доктори, профессор.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

MIKROKREDITBANK

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ**

*«Микрокредитбанк» жамоаси
фаровон турмушимизнинг
ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётган
Конституциямизнинг*

29 йиллиги

*билан юртдошларимизни самимий табриқлайди.
Қонунларимиз ҳамisha юрт тараққиёти
ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга
хизмат қилаверсин.*

8 декабрь

*Байрам муносабати билан
“Maxitum”
омонатини таклиф этамиз.*

“Микрокредитбанк” — мақсад сари дадил қадам!

MAXIMUM
ОМОНАТИ

22%

Омонат муддати:
13 ой

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисида

ХАБАРНОМА (масофадан)

Ҳурматли «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлари!
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган, (корпоратив веб-сайт: www.uzpsb.uz, e-mail: info@uzpsb.uz), сизга 2021 йил 30 декабрь куни (Тошкент вақти билан) соат 11.00да **масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати** <http://evote.uz/>, орқали банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этишингиз мумкинлигини маълум қилади.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига рағбатлантириш ва компенсация тўлаб бериш тўғрисидаги низомини (янги таҳрирда) тасдиқлаш тўғрисида.

1. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Кенгашидаги норезидент — мустақил аъзоларнинг ҳар бирига ва давлат органлари вакилларининг ҳар бирига корпоратив йили учун рағбатлантириш тўловларини белгилаш тўғрисида.

2. Банк филиалларининг 95 413 ва 91 501 балансдан ташқари ҳисоб рақамларида 5 (беш) йилдан зиёд ҳисобда турган, «умидсиз» қилиб таснифланган кредитлар бўйича

SANOAT QURILISH BANK

умумий ҳажми 8 503 млн. сўм миқдоридан бўлган қарздорликни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.

- Акциядорларга навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси — 2021 йил 7 декабрь.
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана — 2021 йил 24 декабрь.
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар билан банкнинг www.uzpsb.uz корпоратив веб-сайти орқали таништирингиз ёки info@uzpsb.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш **интернет тизими орқали электрон овоз бериш тизимидан** (<http://evote.uz/>) **фойдаланган ҳолда 2021 йил 30 декабрь** соат **10.00** да бошланиб **11.00** да тўхтаилади.

Мурожаат учун телефонлар:
78-120-45-00 IP:13-30, 94-711-13-75.

TOSHKENT KIMYO-TEKNOLOGIYA INSTITUTI

quyidagi kafedralar mudirlari va professor-o'qituvchilar lavozimlariga shartnoma asosida **TANLOV E'LON QILADI:**

Sellyuloza va yog'ochsozlik texnologiyasi kafedras: kafedra mudiri;

Oziq-ovqat sanoati mashina va jihozlari-mexanika asoslari kafedras: kafedra mudiri;

O'zbek tili va adabiyoti kafedras: kafedra mudiri;

Yuqori molekulali birikmalar va plastmassalar texnologiyasi kafedras: professor;

Organik kimyo va og'ir organik sintez texnologiyasi kafedras: professor — 2 o'rin;

Noorganik moddalar kimyoviy texnologiyasi kafedras: professor;

Analiitik, fizikaviy va kolloid kimyo kafedras: professor — 2 o'rin;

Sanoat ekologiyasi kafedras: professor;

Kimyoviy texnologik jarayon va qurilmalar kafedras: professor;

Biotexnologiya kafedras: professor;

Oziq-ovqat sanoati mashina jihozlari-mexanika asoslari kafedras: professor.

Yuqoridagi lavozimlarga tegishli nomzodlardan ariza, fotosuratli so'rovnoma, tarjimai hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja, unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro'yxati talab qilinadi. Hujjatlar ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida qabul qilinadi.

Manzil: 100011, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 32-uy, institut xodimlar bo'limi, telefon: 71-244-79-31.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукров.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6